



ЖЎРАЕВ Шукрулло Рахимович,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази бўлим бошлиғи

**ИСЛОМНИНГ ЭЗГУЛИК
МОҲИЯТИ:
ҚУРЪОН ВА СУННАТДА
ТИНЧЛИК МАСАЛАСИ**

**THE ESSENCE OF GOODNESS OF
ISLAM:
THE ISSUE OF PEACE IN THE
QUR'AN AND THE SUNNAH**

**СУЩНОСТЬ ДОБРА В ИСЛАМЕ:
ВОПРОС МИРА В КОРАНЕ И
СУННЕ**

Аннотация. Мақолада ислом динининг тинчлик ва бағрикенгликка тарғиб этувчи эзгу моҳияти, Қуръон ва суннатда баён қилинган ҳамжиҳатликка қаратилган гоялар ёритилган. Шунингдек, исломни зўравонлик билан боғловчи нотўғри тушунчалар, хусусан, жиҳод тушунчасини нотўғри талқин қилинишининг салбий оқибатлари баён қилинган. Шу билан бирга исломда турли миллат ва дин вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликнинг тарғиб қилиниши, бу борада “Мадина конституцияси”нинг аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: тинчлик, эзгулик, Қуръон ва суннат, жиҳод, Мадина саҳифаси.

Аннотация. Статья посвящена раскрытию миролюбивой и толерантной сущности ислама. Автор анализирует идеи единства, изложенные в Коране и Сунне, и опровергает ошибочные представления, связывающие ислам с насилием. Особое внимание уделяется негативным последствиям неверной интерпретации понятия джихада. В статье также показано, как ислам способствует согласию между представителями разных национальностей и религий, и подчеркивается важность «Конституции Медины» как исторического примера мирного сосуществования.

Ключевые слова: Мир, доброта, Коран и Сунна, джихад, Конституция Медины.

Abstract. This article explores the inherently peaceful and tolerant nature of Islam, emphasizing the Quran and Sunnah's teachings on unity. It challenges misconceptions that associate Islam with violence, specifically addressing the negative consequences of misinterpreting the concept of jihad. Furthermore, the article examines how Islam promotes harmony among people of different nationalities and religions, highlighting the significance of the “Constitution of Medina” in fostering peaceful coexistence.

Keywords: Peace, goodness, Quran and Sunnah, Jihad, Constitution of Medina.

КИРИШ

Ислом таълимотида тинчлик ва ҳамжиҳатлик инсониятнинг асосий қадриятларидан бири сифатида эътироф этилади. Исломдаги “силм” калимаси ҳам, аслида, тинчлик, осойишталик маъносини англатиб, мусулмонларнинг кундалик ҳаётида ўзаро тинч ва тотувликда яшашга, ҳамкорлик ва бирдамликда ҳаракат қилишга чақирик сифатида хизмат қилади. Ислом динининг муқаддас манбаларида ҳам инсонларни бир-бирлари билан тинч ва тотув яшашга, фитна ва душманликдан сақланишга чақирилган. Хусусан, ҳадиси шарифларда мусулмонлар ўртасидаги тинчликни сақлаш, ҳамжиҳатлик ва бирдамликни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар қандай низо ва ихтилофларни ҳал этишда келишув ва ўзаро ҳурмат масаласига алоҳида урғу берилган.

Ислом дини фақатгина мусулмонлар ўртасида эмас, балки бошқа дин вакиллари билан ҳам тинч-тотув муносабатлар ўрнатишни тарғиб этади. Бу жиҳат, айниқса, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Мадина давридаги ҳаёти ва “Мадина саҳифаси” деб номланган ҳужжатда ўз аксини топган. Унда турли миллат ва дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш, бир-бирларига ҳурмат кўрсатиш ҳамда жамоат манфаатлари учун ҳамкорлик қилиш асосий тамойиллар сифатида белгиланган.

Таассуфки, бугунги кунда турли оқим вакиллари томонидан айрим диний тушунчаларнинг нотўғри талқин этилиши дунё афкор оммасининг исломнинг тинчлик дини эмас, балки уруш дини сифатида тасаввур

килишларига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, мутаассиб оқимлар ушбу қилмишларини ислом номи билан боғлаб, гўёки, шариатнинг талаби шундай, деб инсонларга жангарилик ҳаракатларини дин деб кўрсатишга зўр бермоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мазмун-моҳияти бузиб талқин этилаётган ана шундай тушунчалардан бири бу “жиход” масаласи билан боғлиқ. Бузғунчи кимсаларнинг талқинича, “жиход” мусулмоннинг ғайридинларга қарши муқаддас урушидан бошқа нарса эмас ва у исломнинг олтинчи аркониридир” [1:11]. Бундай талқин динимизнинг гўёки, ёвузликка, жангу жадал, уруш, кон тўқиш, бошқа диндагиларга қарши кураш олиб боришга асослангани ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Аслида эса, “жиход” Қуръонда “муқаддас уруш” деб аталмаган.

Ислом ўз моҳиятига кўра тинчлик динидир. У инсонларни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида бор куч-ғайратини сафрлашга, турли фитна ва ўзаро адоватга барҳам беришга чақиради. Зеро, тинчликпарварлик ислом динининг асосини ташкил этади. Аммо бугунги кунда динни ниқоб қилиб, унинг номидан иш олиб боришга интилаётган экстремистик ва террорчи оқимларнинг чиркин фаолияти муқаддас ислом дини ва тинчликсевар мусулмонлар ҳақида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хўш, бузғунчи оқимларнинг жиход борасидаги қарашлари қай даражада асосли, жиходнинг моҳияти нимада?

Жиход сўзи арабча “жаҳада” феълидан олингани, “ғайрат қилмоқ”, “ҳаракат қилмоқ”, “интилмоқ”, “зўр бермоқ”, “бор кучини сарфламоқ”, “курашмоқ”, “меҳнат қилмоқ” каби маъноларни англатиши бугунги кунда кўпчиликка маълум. Диний истилоҳга кўра, жиходнинг нафс, шайтон ва ёв билан курашишдек турларининг мавжудлиги, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида мўътабар манбаларда етарлича тушунтиришлар берилган.

Дастлаб “жиход” сўзи исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун қилинган саъй-ҳаракат, ғайрат қилиш маъносида тушунилган. Шу боис Макка даврида Пайғамбар (а.с.) ва саҳобалар

Аллоҳ таолонинг: **Раббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услубда мужодала эт. Албатта, Раббинг Ўз йўлидан адашганларни ўта билгувчи ва ҳидоят топгувчиларни ҳам ўта билгувчидир**”, (Наҳл, 125) деган кўрсатмаси асосида фаолият олиб борганлар [2:391].

Кейинчалик, яъни Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг ислом дини ва мусулмонлар жамиятини ташқи душманлардан мудофаа қилиш мақсадидагина ҳарбий мазмундаги жиходга рухсат берилган. Жумладан, “Ҳаж” сурасининг 39-оятда: **“Ўзларига қарши уруш очганларга, уларга зулм қилингани учун, (урушга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга нусрат беришга кодирдир**”, дейилади [3:30]. Бундан кўринадики, жангу жадал маъносидаги жиходга мудофаа, муқаррар душман ҳамласини даф этиш мақсадида рухсат берилмоқда. Бу оят нозил бўлгунига қадар мусулмонларга ҳар қанча озор, жабру ситамлар бўлса-да, мудофаа маъносидаги урушга ҳам рухсат берилмаган эди.

Таассуфки, ҳозирда жиход дейилганда унинг уруш маъносидан бошқаларини инкор этиш, боз устига террорчилик билан боғлиқ жинойтларни ҳам Аллоҳ йўлидаги жиход, деб эълон қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Айниқса, экстремистик ва террорчи оқимларнинг мутаассиблик билан йўғрилган ғаразли мақсадлари йўлидаги босқинчилик урушини “жиход” деб эълон қилиши ва бу йўлда ўзини портлатган ва бошқа бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган кимсаларни “шаҳид” деб атаётганлари динимиз таълимотларига мутлақо зиддир. Ваҳоланки, ислом динида жон неъматига Аллоҳнинг энг буюк ва қадрли неъматларидан бири, деб қаралади. Бу неъматнинг қадрига етмаганларга улкан азоблар борлиги ҳақида Қуръони карим ва ҳадисларда кўплаб кўрсатмалар келган. Жумладан, *Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: Аллоҳ таоло марҳамат қилурки: “Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”* [4:331].

Шунингдек, *Имом Бухорий ва Имом Муслимдан ривоят қилинган яна бир ҳадисда ҳам шунга оид масала баён этилган. Унда*

айтилишича, “Кимки ўзини тоғ тепасидан ташлаб ўлдирса, ўлгандан кейин ҳам жаҳаннамда шу хил азобга гирифтор бўлади. Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам унинг ҳукми билан баробардир” [5:6].

Юқоридаги ҳадислар фақат ўзини ўлдирган кимса ҳақида бўлса, ўзи билан бирга бегуноҳ инсонлар ўлимига сабаб бўлаётган шахсларнинг гуноҳи унданда оғирроқ бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ҳақида Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 93-оятида шундай дейилади: “Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай”, [6:93].

Жиход ҳаракатини террор йўли орқали амалга ошираётган кимсалар ўз қилмишларини муқаддас ислом учун кураш, мусулмонларни бирлаштириш ёки ислом халифалигини қуришга қаратилган амаллар, дея ўзларини оқламоқчи бўладилар. Агар жиход, улар айтганидек, ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбурлаш учун жорий этилганида эди, Пайғамбар (а.с.) нинг ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлар эдилар. Бироқ Пайғамбар (а.с.) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, янги пайдо бўлган мусулмон жамиятини ҳимоя қилиш учун ҳамда юртга бостириб кириши муқаррар бўлган душмангагина уруш эълон қилганлар.

Шу билан бирга Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага келганларидан сўнг қилган дастлабки ишларидан бири мусулмонлар жамоаси ва ҳудуддаги турли дин вакиллари ўртасида ўзаро тинч-тотув яшашни таъминлашга қаратилган шартнома тузиш бўлган. 622 йилда тузилган бу шартнома “Мадина саҳифаси” ёки “Мадина конституцияси” номлари билан машҳур бўлиб, унда яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар ўзаро ҳурмат асосида яшаш, уларнинг ўз диний эътиқодини амалга оширишларига тўсқинлик қилмаслик, каби муҳим масалалар ўрин олган эди. Ислом дини ҳамма давр ва ҳар қандай вазиятда тинч-тотувликнинг барқарор бўлишидан манфаатдор бўлганини унинг тарихи ҳам намоён этади [7:9].

Исломнинг муқаддас манбаларида жиходнинг улуғ амал эканига далолат қилувчи ва унга тарғиб этувчи кўплаб кўрсатмалар

келган. Жумладан, “Тавба” сурасининг 111-оятида марҳамат қилинади: “Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди — улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шахид бўлиб) ўлдириладилар, (Бундай мўминларга жаннат берилишига) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас, (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир”, дейилади [6:204].

Жиход бузғунчи тоифлар айтаётганидек, босқинчилик уруши эмас, унинг моҳияти ўзгача. Пайғамбар (а.с.) ҳадисларида жиходнинг моҳиятини ёритиб берувчи кўрсатмалар мавжуд. Бу ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини англаб етмасдан жиходни ўзича талқин этиш қайтарилган амаллардандир.

Маълумки, ислом дини сулҳпарвар дин. Пайғамбар (а.с.) ўз саҳобаларига ғаним билан жанг қилаётганида душман сулҳ сўраса, албатта, бунга эътибор қаратиш лозим экани ҳақида айтиб ўтганлар.

Шунинг учун саҳобалар ҳеч қачон Муҳаммад (с.а.в.) кўрсатмалари бўлмасдан ташқи душманга қарши уруш мазмунидаги жиходга чикмаганлар. Бу ҳолатдан жиход эълон қилиш ваколати давлат раҳбарининг мутлақ ҳуқуқи экани келиб чиқади. Дин уламолари бир ҳолатдагина давлат раҳбарининг топшириғисиз жиход қилиш мумкин, деб айтганлар, яъни ташқи душман ватанга бостириб кирганида, ғанимга қарши жанг қилиш учун раҳбарнинг топшириғи кутилмайди.

Шу билан бирга ислом динида душман билан жанг қилишнинг ҳам ўзига хос қоидалари баён этилган. Бу ҳақида “Бақара” сурасининг 190-оятида: “Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай”, дейилади.

Шайх Абдулазиз Мансур **томонидан** ушбу **оят** қуйидагича тафсири **қилинади**: “Ислом динида инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто ёв билан жанг қилиш асносида ҳам риоя қилинади. Аллоҳ таоло ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаддан ошмаслик ва тажовузкорликка ўтмасликни буюради. Бу ҳамма учун жуда ибратли танбехдир [6:29].

“Жиход” сўзи ҳамма вақт ҳам жанг ва уруш мазмунида эмас, балки жидду жажд, сазй-ҳаракат, ижтиҳод маъноларида ҳам келади”. Бу фикрнинг исботини Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисдан ҳам кўриш мумкин: “Мусулмонларнинг афзали, қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиганидир. Мўминларнинг афзали эса, хушхулқироғидир. Муҳожирларнинг афзали Аллоҳ қайтарган нарсалардан ўзини йироқ тутувчидир. Жиходнинг афзали эса, Аллоҳ йўлида ўз нафси ва хоҳишига қарши қилинадиган жангдир” [8:46].

Бундан ташқари, сохта салафийларнинг жиходни исломнинг олтинчи аркони, деб аташлари диндаги бузғунчиликдир. Энг аввало, бугунги кундаги адашган оқимлар назарда **тутганидек**, жиход исломнинг олтинчи аркони бўлганида эди, ўн тўрт аср илгари Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) мусулмонларни беш рукнга эмас, балки олти рукнга амал қилишга буюрган бўлардилар. Расулulloҳ (а.с.) эса: **“Ислом беш нарса устида бино қилинган. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг пайгамбари эканига гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, рамазон рўзасини тутуш ва (имкони бўлса) ҳаж қилиш”** [9:4], деб ислом асослари нимадан иборат эканини айтиб ўтганлар. Ислом уламолари жумладан, юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддис ва мутакаллимлар ҳам ушбу ҳадиси шарифда диннинг арконлари ва моҳияти тўлиқ ва қатъий баён этилганини таъкидлаганлар.

ХУЛОСА

Қуръони каримнинг: “Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломнинг дин бўлишига рози бўлдим” (Моид, 3), **деган** ояти нозил бўлган вақтда ислом дини беш аркондан иборатлиги ва бундан кейин улар ҳеч қачон ўзгармаслиги таъкидланган. Яна бир ҳадисда эса, Пайғамбар (а.с.): **“Сизлардан ким мендан кейин яшаса, яқинда кўп ихтилофларни кўради. Менинг суннатим ва мендан кейинги ҳидоят топган рошид халифалар суннати сизларга шарт бўлади. Уларни қаттиқ тутингиз ва озиқ тишлар билан тишлангиз. Шариатда янги пайдо қилинган нарсалардан сақлангиз. Зеро, (шариатда) ҳар бир янги**

пайдо қилинган нарса – бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир”, деганлар. Сохта салафийлар эса, исломнинг беш арконига қаноат қилмай, жиход борасида гулувга кетиб, уни шариатнинг олтинчи аркони деб аташлари жуда таажжубланарлидир. Бу эса, мазкур ҳадисда таъкидланган диндаги бидъат бўлиб, албатта, у ўз эргашиувчиларини залолат сари етаклайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсонни сергакликка чорлаши, жиход масаласида гулувга кетишдан сақланиши учун кифоя қилади. Зеро, жиход борасида гулувга кетиш бошқа диндагиларга нисбатан босқинчилик бўлишидан ташқари ислом аҳкомларига қарши чиқиш ва уларни оёқости қилиш билан баробардир.

Шуни доимо ёдда тутиш керакки, ислом жангу жадал дини эмас, балки тинчлик динидир. Исломда амалга ошириладиган ҳар қандай жиход – фақатгина тинч-тотув яшаи, тинчликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Илмдан бошқа нажот йўқ / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Т.: Hilol nashr, 2008. – Ж. 3.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Т.: Hilol nashr, 2008. – Ж. 4.
4. Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Ҳилол нашр, 2018. – Ж. 7.
5. Қаюмов М. Ўз жонига қасд қилиш – улкан гуноҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 2016.
6. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
7. Жўраев Ш. Муҳаммад Шайбоний асарларида халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2024.
8. Имом Ғаззолий. Мукошафатул кулуб. – Т.: Адолат, 2002.
9. Аллоқулов А. Исломнинг беш устун: ҳаж. – Т.: Тошкент ислом университети, 2017.